

**№ 8 (3) - 2023**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 8 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

<i>Воҳидова Комила Абдуллозизовна</i>	
“ЭЛ БАЙРОФИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА .....	11-17
<i>Сулайманов Саламат Арапбаевич</i>	
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ) .....	18-24
<i>Raupov Холмамат</i>	
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ .....	25-32
<i>Мажидов Анвар Сиражович</i>	
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) .....	33-40
<i>Begamatova Nasiba Xolmurzayevna</i>	
FERMER XO'JALIKLARI VA KLASTER TIZIMI UCHUN O'RTA MA'LUMOTLI MUTAXASSISLARNI TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI MISOLIDA) .....	41-48
<i>Алланазаров Мурот Мирзаевич</i>	
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА .....	49-54
<i>Ismoilova Feruza Ibragimovna</i>	
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI XIZMATLARI .....	55-59
<i>Tursunov Xurshid Nasriddinovich</i>	
O'ZBEKİSTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI .....	60-64

### **08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

<i>Yuldasheva Gulnoza Abdinabiyevna</i>	
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF ENTERPRISES .....	65-70
<i>Oromidinov Muzaffar Pardabayevich</i>	
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS .....	71-75
<i>Худайназарова Дилором Хайруллаевна</i>	
ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	76-84

<i>To'lakov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li</i>	
КО'ЧХМАС МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОХОТЛАР .....	85-92
<i>Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich</i>	
МИНТАҚАДА XIZMAT TURLARIDAN SAMARALI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI .....	93-98
<i>Turobov Sherzod Alisherovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI .....	99-105
<i>Шамсиев Нодир Муратович</i>	
МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ .....	106-110
<i>Zaripova Moxira Zarip qizi</i>	
AGRAR SOHAGA XORIJIIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI .....	111-114
<i>Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ .....	115-121
<i>Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА TURIZM SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI .....	122-127
<i>Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи</i>	
МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	128-137
<i>Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Гаффор Аллақулович</i>	
ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ .....	138-150
<i>Мамадиёрөв Олимжон Умаровиҷ</i>	
ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ .....	151-158
<i>Раббимов Жаҳонгир Эшбоевиҷ</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ .....	159-164
<i>Кулибоев Азамат Шоназаровиҷ</i>	
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ .....	165-174

<i>Гадоев Сўҳроб Жумакулович</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ .....	175-181
<i>Бекжанов Дилмурад Йўлдашович</i>	
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ .....	182-193
<b>09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Boydadayev Abdurroxmon Tolibjon o'g'li</i>	
SHARQ VA G'ARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA) .....	194-200
<i>Xayridinov Abbosxon Anvarovich</i>	
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA'NAVIY MA'RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLİSHDA MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI .....	201-205
<i>Quramboyev Alisher Maxsudovich</i>	
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOIY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI .....	206-211
<i>Jo'rayev Alisher Tulqinboyevich</i>	
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR MAQSADI .....	212-217
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i>	
ILMIY BAHS FENOMENINING MANTIQIY- GNOSEOLOGIK MAQOMINI O'RGANISHDA KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV .....	218-224
<i>Пардаева Марҳабо Давлатовна</i>	
АЛИШЕР НАВОЙЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ ФОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ .....	225-233
<i>Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich</i>	
NIKOH MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI .....	234-240
<i>Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna</i>	
DINIY MANBALARDA GO'ZALLIK TO'G'RISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR .....	241-246
<i>Юсупова Феруза Зойировна</i>	
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАҲНАВИЙ ЮКСАЛИШИННИГ МЕЗОНИ .....	247-251
<i>Teshaboev Muhiddin Marifovich</i>	
IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI .....	252-257

## **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

<i>Soatova Nodira Isomitdinovna</i>	
LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIY IFODASI .....	258-265
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i>	
FRAZEOLOGIK BIRLIKLER LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA .....	266-269
<i>Yusupova Omina Muhammadzoir kizi</i>	
DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE .....	270-276
<i>Бозорова Хулкар Одинақуловна</i>	
РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ .....	277-282
<i>Matyakubov Oybek Quralbayevich</i>	
KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI .....	283-288
<i>Фатуллаева Камола Рахматуллаевна</i>	
ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ .....	289-293
<i>Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna</i>	
O'ZBEK TILIDA KAUZATIV FE'LLARNING YASALISH USULLARI .....	294-299
<i>Xamzayev Otaxon Erkinovich</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG'ISHTIRMA TAHLILI .....	300-305

## **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Абдурахманова Нодирахон</i>	
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ .....	306-310
<i>Сафоева Садокат Мусоевна</i>	
ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА .....	311-320
<i>Абдуллаева Маликабону Эркин қизи</i>	
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ .....	321-330

## **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Zoirova Lola Xamidovna</i>	
TIBBIYOT OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA “INSON ORGANIZMINING RADIATSİYAGA SEZGİRLİĞİ” MAVZUSINI O'QTİSHDA RAQAMLI TEKNOLOGİYALARDAN	

FOYDALANISH .....	331-336
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloyevich</i>	
KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA) .....	337-343
<i>Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li</i>	
YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH .....	344-349
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i>	
ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS .....	350-355
<i>Джумаева Хулкархан Мухаммаджоновна</i>	
ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ..	356-361
<i>Islomova Madina Asqarovna</i>	
INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH .....	362-368
<i>Raxmatova Mexrinoz Majitovna</i>	
YOSHLAR MA'NAVIY SALOHIYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	369-373
<i>Абдукаюмова Наргиза Райимовна</i>	
ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ .....	374-384
<i>Norboyev Farxod Chorshanbiyevich</i>	
KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR .....	385-390
<i>Borasheva Aybolgan</i>	
EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING .....	391-398
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i>	
KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHА SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQIY TAHLILI .....	399-409
<i>Boboraximov Sanjar Malikjanovich</i>	
MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR .....	410-414
<i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i>	
XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI .....	415-421

<i>Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi</i>	
METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS .....	422-427
<i>Xamroyev Samijon Salimovich</i>	
SPORT TO'GARAKLARI ORQALI TALABALARING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI .....	428-433
<i>Kattaeva Feruza Shakirovna</i>	
DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD .....	434-441
<i>G'ofurov Azizbek Umarjonovich</i>	
BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O'QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH .....	442-447
<i>Abduraximova Umida Shuxratovna</i>	
BO'LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	448-454
<i>Obidova Gulmira Kuzibaevna</i>	
INGLIZ TILINI O'RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA'LIM YO'NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR .....	455-460
<i>Axmadaliyeva Xosiyatposhsho Abduxayotovna</i>	
PROFESSIONAL TA'LIM YO'NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O'QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH .....	461-469

*09.00.00-Фалсафа фанлари*

**Юсупова Феруза Зойировна**  
Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети  
катта ўқитувчи, email: [usupovaferuza35@gmail.com](mailto:usupovaferuza35@gmail.com)  
Тел.: +998 93 460 88 70

## **АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАЊНАВИЙ ЮКСАЛИШИННИГ МЕЗОНИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада ёшларда мањнавий борлиғида ахлоқий идеални такомиллаштиришни миллий ва умумбашарий мањнавий ва демократик қадриятлар белгилаши, ахлоқий идеал ёшлар мањнавий юксалиш мезони эканлиги методологик аҳамиятга молик хulosалар билан ёритилган. Ёшлар қалби ва онгига юксак ахлоқийлик, янги Ўзбекистон ахлоқий идеали тамойилларига эътиқод, яшашнинг мазмун-моҳиятини сингдириш асосий ўринни эгаллаши таъкидланган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, баркамол авлод, ахлоқий идеал, мањнавий-ахлоқий тизим, трансформация, мафкура, янги Ўзбекистон.

---

**Yusupova Feruza Zoirovna**  
Navoi State Mining and Technology University  
Senior Lecturer, email: [usupovaferuza35@gmail.com](mailto:usupovaferuza35@gmail.com)

## **THE MORAL IDEAL IS A CRITERION FOR THE SPIRITUAL GROWTH OF THE YOUTH**

**Abstract.** This article draws methodologically important conclusions that the improvement of the moral ideal in the spiritual life of young people is determined by national and universal moral and democratic values, and that the moral ideal is a criterion for the spiritual growth of young people. The important place of suggestion in the hearts and minds of young people of high morality, the essence of life, faith in the principles of the moral ideal of the new Uzbekistan is emphasized.

**Key words:** globalization, perfect generation, moral ideal, moral and ethical system, transformation, ideology, new Uzbekistan.

---

**Юсупова Феруза Зойировна**  
Навоийский государственный горно-технологический университет  
старший преподаватель, email: [usupovaferuza35@gmail.com](mailto:usupovaferuza35@gmail.com)

## **НРАВСТВЕННЫЙ ИДЕАЛ – КРИТЕРИЙ ДУХОВНОГО ВОЗВЫШЕНИЯ МОЛОДЕЖИ**

**Аннотация.** В данной статье сделаны методологически важные выводы о том, что совершенствование нравственного идеала в духовном бытии молодежи определяется национальными и общечеловеческими нравственно-демократическими ценностями, и что нравственный идеал является критерием духовного роста молодежи. Подчеркнуто важное место внушения в сердца и умы молодежи высокой нравственности, сути жизни, веры в принципы нравственного идеала нового Узбекистана.

**Ключевые слова:** глобализация, совершенное поколение, нравственный идеал, морально-этическая система, трансформация, идеология, новый Узбекистан.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N34>

**Кириш.** Ҳозирги глобал ижтимоий-маданий ривожланиш даврида ёш авлод тарбияси ва маънавий юксалиш талаблари ўзига хос ахлоқий идеал тизимининг яратилиш заруриятини қўймоқда. Ахлоқий идеалнинг юксак тамойиллари талаблари асосида тимсолли, намуна, ибратли, ўрнак бўладиган юксак маънавий-ахлоқий тизимининг яратилиши ҳозирги оммавий, маданий силжишларни олдини олишга кафолатдир. Анъанавий тарзда “ахлоқий идеал мавжуд ижтимоий муносабатлар, тарихий-маданий муҳит ва маънавий парадигмалардан келиб чиқиб, келажак авлод учун ворислик сифатида миллий, шахсий ва диний хусусиятлар билан таркиб топиб бораверади”[4;99-б]. Ахлоқий идеал миллий фундаментал қадрият ва идеалларни умуминсоний императивлар билан уйғунлаштириб, янги шаклланиб келаётган глобал қадрият, идеаллар оламида трансформацияларни амалга оширади.

Ҳозирги пайтда ахлоқий идеал ёшларга нисбатан миллий ғояни, миллий ўзликни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, ҳалқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзу-умид, мақсадларини англатиш, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад – Учинчи Ренессансни амалга ошириш вазифасини ифода этиши зарур. Жамиятимизда мавжуд хилма-хил ва эркин фикрлар, ғоялардан, дунёқарашдан қатъий назар, барча миллат ва элатларни ягона ғоя атрофида бирлаштириши, ҳар қандай миллатчилик, экстремистик каби негатив қайфият, қарашлардан мутлақо холи ёшларни тарбиялашни мақсад қилиб олиши даркор.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Ёшларни ватанпаварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашда, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишда миллий хусусиятга эга ахлоқий идеал шаклланиши керак. А.Самадовнинг фикрича, “ахлоқий идеал ички тизимида кўрсатилган омиллар орасида инсон тафаккурининг ривожи, инсон онги ва унинг табиат, жамият ва инсон ҳақидаги бўлажак мақсад ва вазифалар ҳақидаги билими катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ахлоқий идеал тизими инсон руҳиятини белгиловчи хотира, билган, кўрган, ҳис қилинган билимгина эмас, балки билиши мумкин бўлган, инсонни унга томон чорловчи ва рағбатлантирувчи ички маънавий-ахлоқий куч сифатида ҳам амал қиласди” [4;97-б]. Айни пайтда ҳозирги ахлоқий идеал Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб турувчи, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилишга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиласидиган ахлоқий ғоялар тизими бўлиши керак.

Бинобарин, ёшларни миллий, умуминсоний жиҳатлар билан бирга қамраб олаётган замонавий “ахлоқ” жамият мафкурасига катта таъсир ўтказмоқда. Аслида мафкура моҳият ва мақсади жиҳатидан ижтимоий идеалнинг маърифатли жамият қуриш йўлида мазмунан бирлаштиради, идеал шаклларнинг (ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, эстетик) қарор топишида кенг имкониятлар яратади. Мафкура ғояларни бирлаштирувчи куч бўлса, идеал ҳам ғояларни мукаммал, бирлаштирувчи, йиғувчи хусусиятга эгадир.

Агар жамият мафкураси муайян ғоялар тизимидан ташкил топишини назарда тутсак, янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси қандай жамият қурмоқчи

эканлигимиз, янги маънавий маконни қандай тасаввур этишимиз билан боғлиқ ғояларга бориб тақалади. Янги маънавий макони "...Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси яққол акс этадиган, халқимиз интилаётган ва эл-юртимиз яшайдиган маърифатли жамиятдир" [3;276-б].

Чунки ўз миллий ғоясига, муайян жамият тараққиётининг фалсафий-методологик асосига эга бўлмаган жамият ўз йўлини йўқотиб қўяди. Немис мумтоз фалсафаси вакили И.Кантнинг фикрича, "ғоя йўналиш берса, идеал инсон тафаккурини келажақдаги уфқларини белгилаб беради" [2;452-б]. Бундан ташқари, ҳар қандай эзгу ният ҳам инсон онгидан чуқур ўрин эгалламаса, инсон тафаккури шу ниятга ҳамоҳанг ўзгармаса барча саъӣ-ҳаракатлар бекор бўлади. Шунинг учун янги маънавий маконни орзу қилган халқ ўз ахлоқий идеалига эга бўлиши керак. Аммо халқ ва жамият янги уфқларни кўзлаган экан унинг мақсади ҳам аниқ бўлиши, бу мақсадларни амалга оширишда пухта ва изчил ўйланган, миллий қадриятлар ва идеалларни изчил амалга оширишга қаратилган миллий ғоя зарурдир.

**Муҳокама.** Янги Ўзбекистон учун миллий ғоя қўп миллатли халқнинг маънавий эҳтиёжларини ўзгармас манбаи ҳисобланиб, янги маънавий маконни яратишга ҳиссасини қўшиши, ижтимоий-тарихий жиҳатдан шаклланиб келган миллий орзу-интилиш, мақсадларни яхлит ахлоқий идеалга жамлаши, Ўзбекистон жамиятидаги барча миллат, элатларга хос бўлган хусусиятлар, урф-одатлар, анъаналар қадриятлар ва идеалларни умумий маҳражга келтириши керак. Ана шу шаклланиши керак бўлган янги маънавий маконни тадрижийлигини ҳисобга олсақ, миллий ғоя халқимизнинг ўзлигини англашга, ўз миллий-маънавий қадриятларини, ахлоқий фазилатларини тиклаб, сақлаб, эъзозлаб келажак авлодга трансформация қилувчиидир[1;61-б].

Ахлоқий идеал миллий ғоя ва унинг тамойиллари туфайли одамлар тасавурида ойдинлашади, одамларни эзгулик, олижаноблик, буюк келажак ва тинчлик йўлида бирлаштириб, уларнинг ўртасидаги меҳр-муҳабbat ва яхши ҳаётга бўлган интилишларида сафарбар этади.

Инсон табиати шунчалик мураккабки, унинг қалбида бунёдкорлик ғояси, хоҳиши ва мақсадининг пайдо бўлиши, амал қилиши ҳам бевосита мазкур шахснинг қандай ғоялар, қарашлар ва идеаллар билан қуролланганига боғлиқ. Шунинг учун ёшларда бўлиши мумкин бўлган номақбул хатти-ҳаракатларни қўзғатувчи барча мафкуравий таҳдидлардан огоҳ бўлмоқ керак. Мафкуравий бузғунчилик беозор кўринишида ёки бирор маданият, санъат намунаси ниқобида пайдо бўлиши мумкин. Миллий-ахлоқий қадриятларимизга тўғри келмайдиган ҳолатларни намойиш этиш учун замонавий технологиядан фойдаланиш оқибатлари ҳам даҳшатлидир. Олима З.Бойтемированинг фикрича, "ғоядаги ахлоқсизлик шахс тафаккури, инсоний принципларга ўта салбий таъсир кўрсатади, инсонни таназзулга етаклайди. Бундай шахслар жамият ва одамларга муносабатда яккаланиб қолади, иккιюзламачилик қилишга ўрганади" [1;61-б]. ОАВ ва интернет медиа воситаларида намойиш этиладиган турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизлик, ахлоқсизликка доир видео маҳсулотлари шулар жумласидандир. Эзгуликнинг тарғиб қилиш, ўрнак ва ибрат бўлиши қанчалик қийин бўлса, ёшларда ёмонликни қабул қилиш ва унга тақлид қилиш хоҳиши ҳам шунчалик тезкор бўлиши табиийдир.

Бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга экан, сохта шиор ёки беозоргина туюлган, аммо ич-ичидан ғаразли мақсадлар кўзланган кичкина хабар ҳам улкан зиён келтириши мумкин. “Оммавий маданият” ниқоби остида ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, қотиллик, фирибгарлик, индивидуализм, эгоизм, шахсиятпастлик, дидсизлик, ғоясизлик, масъулиятсизлик сингари ғоялар турли бадиий усулларда тарқатилмоқда. Бу нарса, ўз навбатида, ёшларни соғлом ҳаёт суръати ва миллий маънавий қадриятлардан четлаштиришга, руҳий бебурдликка, чин инсоний ахлоқий идеаллардан узоқлашишга олиб келади.

Глобал ижтимоий-маданий жараёнларда халқнинг азалий эзгу ва гўзал ахлоқий қадриятлардан четга чиқиб кетмаслик учун дунё воқеаларига очиқ кўз билан қараш ва ҳушёр бўлиш, маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаш, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш ҳар қачонгидан кўра долзарб муаммога айланди. Айниқса ёшлар онги, тафаккури ва идеалида иккиланиш, таҳдид ва эсанкираш аломатларининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Бундай дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот- коммуникация манзарасида мафкуравий курашлар кескин тус олган вазиятда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан юксак ахлоқий идеаллар асосида курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Натижалар.** Бугунги ёшларимиз глобал жараёнларда ўз ахлоқий идеали ҳақида аниқ ва тўғри тасаввур қилишлари, ўз халқининг миллий тарихи, маънавий-ахлоқий бойликлари, ота-боболарининг муқаддас мон-маслагига бўлган садоқатини кучайтиришлари, ахлоқий иммунитетни, ёт ғояларга нисбатан қаршилик кўрсатадиган ботиний маънавий салоҳиятларни кучайтиришлари лозим.

Ёшларнинг маънавий борлиғида ахлоқий идеални такомиллаштирилса миллий ўзлигини англаш, дунё воқеаларини теран тушуниш, замон билан ҳамнафас қадам ташлайдиган шахслар бўлиб етишадилар. Бундай шахсларга ҳар қандай ақидапараст, экстремист ва “оммавий маданият” тарзида чиройли қофозларга, бежирим шиорларга буркаб бериладиган ғаразли ғоялар, бемаъни даъватлар таъсир эта олмайди. Демак, билим, иймон, эътиқод, маърифат ва юксак ахлоқий идеал бузғунчи ғояларга қарши курашда ёшларимиз онги ва қалби учун мустаҳкам қалқон вазифасини ўтайди. Шунингдек, худбинлик, лоқайдлик, бепарволик, қариндош-уругчилик, маҳаллийчилик, ичиқоралик, бахиллик ва ҳасадгўйлик сингари иллатлардан фориғ бўлишга ҳам ёрдам беради.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, ахлоқий идеал мазмун-моҳиятини энди миллий ва умумбашарий маънавий ва демократик қадриятлар белгилайдиган бўлиб қолди. Ахлоқий идеал эркин, ўзлигини анлаган инсоннинг маънавий поклиги ва юксаклигини, иймон-эътиқоди ва дунёқарашининг мустаҳкамлигини, ниятларининг миллий манфаатлар билан уйғунлигини виждон амри-яшаш мезони эканлигини ифодалайдиган қудратли ботиний кучга айланди. Бу фикрлар ахлоқий идеал хусусида методологик аҳамиятга молик хулосалар чиқаришга асос бўлади:

биринчидан, ёшлар ҳаётда эзгу ният, яхши орзулар билан яшайди, ўз меҳнатини истиқболи, ўз ахлоқий камолоти ҳақида қайғуради. Бунга эришиш йўллари ҳар хил. Кимки пок луқма билан, порлоқ туйғулар билан, мустақил иймон-эътиқод билан фарзанд тарбияласа бунинг натижаси эзгулик ва олижаноблик билан мукофотланади;

иккинчидан, яшашдан маъно, мазмунни турлича тушуниш одамзодга хос хусусият. Аммо “ҳаётнинг мазмунни нимадан иборат?” деган савол дилемма, баҳсли мавзудир. Бу саволга жавоб тарзида баъзи одамлар идеали кундалик икир-чикирлар ёки кайф-у сафо билан ўралашиб қолса, кимларнидир инсон ва жамият билан боғлиқ катта муаммоларни қамровчи идеаллар қизиқтиради. Кимнинг ахлоқий идеали қандайлигига қараб унинг яшашдан мақсади ва бахт-саодат ҳақидаги тасаввuri шаклланади, инсон ҳаётдан ўз ўрнини топишга интилади;

учинчидан, ҳар бир инсоннинг яшашдан мақсади - бахтга эришиш ва бахтиёр бўлишdir. Бинобарин, сабр-бардошли, иймон-эътиқоди мустаҳкам, олижаноблик ва эзгуликни ўзига касб айлаган, одамлар кўзига пок виждан билан боқадиган, сўзи ҳам, ўзи ҳам пок бўлиб, ҳалол меҳнат қиласидиган, миллат ва жамият манфаатларига устувор маънавий вазифа сифатида қарайдиган, келажакни бугундан яратадиган юксак маънавий идеаллар билан яшайдиган инсон – комил инсондир;

тўртинчидан, ахлоқий идеал ёш авлод онги ва қалбини эзгу ғоялар, юксак мақсад ва ниятлар билан таъминловчи, тўлдирувчи тафаккур ва виждан рамзидир. Ахлоқий идеал тарбия жараёнида ғоявийликни, ахлоқий императив тимсоллари бўлмиш виждан, иймон, ирода, эътиқод сингари миллий ахлоқий ғояларни белгилаб олишда ботиний куч вазифасини ўтайди;

бешинчидан, мамлакатимизда янги маънавий макон яратилиши учун катта кўламдаги ислоҳотлар олиб борилар экан, энг аввало комил инсонни тарбиялаш концепциясининг ҳуқуқий базаси (жисмоний-руҳий, маънавий-маърифий, маънавий-ахлоқий) шу асосда ахлоқий тизими (соғлом турмуш тарзи, баркамол - билимли авлодни вояга етказиш, комил инсонни шакллантириш) таркиб топмоқда ва барча таълим-тарбия фаолиятида методологик асосга айланди;

олтинчидан, ёшларнинг тарбиялаш тизимида ахлоқий идеалга бир қатор инсон дунёқарashi билан боғлиқ бир қатор жисмоний, руҳий, ахлоқий-эстетик ва ижтимоий-сиёсий талаблар қўйилади. Бу талаб ва эҳтиёжлар ичida ёшлар қалби ва онгига юксак ахлоқийлик, янги Ўзбекистон ахлоқий идеали тамойилларига эътиқод, яшашнинг мазмун-моҳиятини сингдириш асосий ўринни эгаллайди.

### **Adabiyotlar/Literatura/References:**

1. Бойтемирова З.Д. Шахс ахлоқий эҳтиёжларини шакллантириш омиллари: фалсафа фанлари номзоди дисс. – Тошкент: 2009. – Б.61.
2. Кант И. Критика чистого разума. – М.: «Наука», 1999. – 655 с.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон ривожланиш стратегияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2021. – 464 б.
4. Самадов А. Шахс эстетик идеали: шаклланиш ва ривожланиш муаммолари. Монография. – Тошкент: «Наврўз», 2021. – Б.97-99.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 8 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти**

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).